

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



IT-мутахассислар кўпаяди

Президентнинг 6.10.2020 йилдаги «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4851-сон қарори қабул қилинди.

Ҳужжатда республика туман (шаҳар)ларида мавжуд умумтаълим мактаблари негизида информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этилиши назарда тутилган.

Улар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар этиб белгиланган:

- ижодий ривожланиш учун шароитлар яратиш, «Бир миллион дастурчи» лойиҳасини мактаб ўқув дастурларига интеграция қилиш орқали ўқувчиларга ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш асосларининг чуқур ўргатилишини ташкил этиш;

- ўқувчиларни ўқитиш ва билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг кўллаш, шунингдек таълим жараёнини умумий касб маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган фанлараро модуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- ўқув дастурларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- ўқувчиларнинг Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда – IT-парк) резидентлари фаолияти билан яқиндан

танишиши учун шароитлар яратиш, уларнинг ушбу йўналишга қизиқишини ошириш.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилган:

- ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг «Бир миллион дастурчи» лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилинишини таъминлаш;

- ўқувчилари «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган давлат умумтаълим мактабларининг 100 нафар энг яхши «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларини ҳар йили 20 БҲМ миқдорида бир марталик мукофотлаш тизимини жорий қилиш. Тўлов Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва IT-паркнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилган:

- Тошкент вилоятида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали ташкил этилади;

- информатика ва ахборот технологиялари йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча олий таълим муассасалари томонидан умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича кўп

босқичли ўз олимпиадаси ўтказилади. 1–3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар биринчи ўқув йили учун тўлов олий таълим муассасаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари талабалари ўртасида информатика, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаларида ўтказиладиган республика фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари бўлган талабалар олий таълим муассасаларининг тегишли магистратура йўналишларига ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларининг информатика ва ахборот технологиялари билан боғлиқ таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Шунингдек ҳужжатда қуйидагилар назарда тутилган:

- 1.01.2021 йилга қадар қуйидагиларни жойлаштириб боришни назарда тутувчи «Ўзбекистоннинг IT-истеъдодлари» портали ишга туширилади;

- ахборот технологиялари соҳасида халқаро ва тармоқ олимпиадалари,



СОЛИҚ СОЛИШ

Қоғоз шаклдаги қайси ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказиш зарур

2020 йил 1 январдан бошлаб ўтиш даврида ташкилотларда баъзи битимлар ҳали ҳисобварақ-фактуралар билан қоғоз шаклда расмийлаштирилган. Энди ушбу ҳужжатларни ЭҲФ тизимига киритиш зарурми?



Vixgalter.uz илтимосига биноан вазиятни солиқ маслаҳатчиси Гулнора ЭРГАШЕВА тушунтирди.

– Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги

489-сон қарорига 2-илова) 12-бандига асосан фақат давлат сирига тааллуқли бўлган битимлар бўйича ҳисобварақ-фактуралар қоғоз шаклда расмийлаш-

тирилади. Уларнинг улуши ҳисобварақ-фактураларнинг умумий миқдорида – жуда оз. Барча қолганлари, асл мақсадига кўра, 2020 йил 1 январдан

бошлаб электрон шаклда расмийлаштирилиши керак (ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сон қарори).



Ушбу сонда:	5-БЕТ	6-БЕТ	8-БЕТ
	Синов муддатини узайтириш мумкинми?	Ички меҳнат тартиби қондалари бўлгани маъқул	Неча киши хусусийлаштирилган квартирага рўйхатга олиниши мумкин?

IT-мутахассислар кўпаяди

1-бетда компьютерда дастурлаш ва киберспорт бўйича ҳақатонлар ғолибларининг мунтазам реестри;

➤ «Бир миллион дастурчи» дастурини амалга оширишнинг ҳолати, ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасида ўтказиладиган олимпиадалар, танловлар ва акциялар тўғрисида маълумотлар;

➤ ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасига ихтисослаштирилган марказлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари, шунингдек ўтказиладиган ўқув курслари, тўғараклар ва тренинглар тўғрисидаги батафсил маълумотлар;

➤ 2021 йилдан бошлаб «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир ойлик маош миқдоридан бир марталик мукофотлаш тизими жорий этилади;

➤ 1.03.2021 йилга қадар «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларини сертификатлаш миллий тизими жорий этилади;

➤ 1.09.2021 йилдан бошлаб рақамли кўникмаларни эгаллаш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга бўлган ихтисослаштирилган мактабларнинг «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқитувчиларига базавий тариф ставкасининг 50% миқдоридан ҳар ойлик устама ҳақ тўланади;

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

➤ 2020 йилда ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаблар ва уларга бириктирилган олий таълим муассасалари, илмий ва инновация марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари рўйхати;

➤ 2021–2023 йилларда республика туман (шаҳар) ларида ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш жадвали;

➤ 2020–2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуксиз таълим сифатини ошириш бўйича «Йўл харитаси»;



Ахборот технологиялари соҳасидаги илмий ва инновация марказларининг истиқболли лойиҳаларини тижоратлаштиришни ташкил этиш дастури.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.10.2020 йилдан кучга кирди.

Эльмира Сиразиева.

Қоғоз шаклдаги қайси ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказиш зарур

1-бетда Бирок йил бошидан бошлаб бизда ўтиш даври бўлди. У май ойида тугаганига қарамай, шундан кейин ҳам баъзи ҳисобварақ-фактураларни турли сабабларга кўра қоғоз шаклда расмийлаштириш давом этди.

Қуйидагилар қоғоз шаклдаги ҳисобварақ-фактуралар амал қилишига хотимани ясади:

➤ солиқ ҳисоботини автоматик тарзда тўлдиришга ўтиш – аввал ҚҚС бўйича ва ҳозир айланмадан олинандиган солиқ бўйича;

➤ юқорида қайд этилган Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомнинг қабул қилиниши.

Вақти-вақти билан ижтимоий тармоқларда қареддир солиқчиларнинг талаби билан кимдир қоғоз шаклда тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказишга тўғри келганлиги юзасидан мунозаралар бўлиб туради. Бундай хабарлар муаллифлари солиқчилар буни қачон ва қандай сабабга кўра илтимос қилишганини аниқлаштиришмайди. Натижада бу қолган бухгалтерларнинг диққатини оширади ва қуйидаги сингари саволларни тўғдиради: ҳамма ҳам 2020 йил учун қоғоз шаклдаги ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказиши зарурми ва буни қанчалик тез амалга ошириш лозим?

Фақат солиқ тўловчининг ўзи ушбу ойлardan бирини ўз ичига олган давр учун ҳисоботини қайта топшириш (аниқлаштирилган ҳисоб-китобни топшириш) ташаббуси билан чиққан тақдирдагина жорий йилнинг январь-

июнь ойлари учун ҳисобварақ-фактураларни кўтариш зарурати юзга келади. Ҳа, бу ҳолда қайта топшириш остига тушадиган ой учун барча ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказишга тўғри келади. Чунки ҳисобот шакллари ва камерал текширув фақат ЭҲФ билан ишлайди ва агар қайсидир ҳужжат фақат қоғоз шаклда мавжуд бўлса, ахборот тизимларидаги маълумотлар тўғри келмайди.

Бугунги кунда жуда долзарб бўлган бошқа вазият – айланмадан олинандиган солиқ тўловчилар билан боғлиқ. Улар III чорак учун солиқ бўйича ҳисоботни биринчи марта автоматик тарзда тўлдириш билан топширишди. Хато чиқиб келмаслиги учун июль, август ва сентябрь ойлари учун барча ҳисобварақ-фактуралар электрон форматда расмийлаштирилган бўлиши зарур.

Ва учинчи ҳолат – бу ахборот тизимидаги носозликлар тўғрисида қоғоз шаклда тақдим этилган янги ҳисобварақ-фактуралар. Бундай ҳисобварақ-фактуралар маълумотлари техник носозликлар бартараф этилган пайтдан эътиборан 5 кун ичида ЭҲФ тизимида киритилган бўлиши керак.

Фикримча, қоғоз шаклда расмийлаштирилган 2020 йил ҳисобварақ-фактуралар юзасидан безовта бўлишга бошқа асослар йўқ. Ҳаммасини ўз ҳолича қолдириш мумкин, ахир ҳисоботлар топшириб бўлинган-ку.

Кузатишларимга кўра, айланмадан олинандиган солиқ тўловчиларда ҳисоботни автоматик тарзда тўлдиришга ўтишда мураккабликни нафақат қоғоз шаклдаги ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказиш, балки

умумлаштирилган бир томонлама ЭҲФ ҳам келтириб чиқаради. Улар учун бу – янгилик, зарур бўлмаганлиги учун уларни ҳеч қачон расмийлаштиришмаган.

Эслатиб ўтаман, бир томонлама умумлаштирилган ЭҲФ қуйидаги ҳолатларда ҳар бир календарь ой якуни бўйича бир марта тақдим этилади:

➤ сотилган товарлар (хизматлар) учун тўловлар нақд пулда ёки жисмоний шахсларнинг пластик карталари орқали амалга оширилганда назорат-касса техникаси ёки виртуал касса чеки тақдим этилганда;

➤ хўжалик юритувчи субъект томонидан аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда расмийлаштирилмаган, қатъий ҳисобот берилмаган бланкалар ҳисобланмаган шакл бўйича квантация тақдим этилганда. Квантациялар солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган ҳолда фақат назорат-касса техникаси таъмирлашга топширилганда ёки савдо шохобчасида (хизмат кўрсатиш жойида) электр энергияси вақтинча мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилади;

➤ банк операциялари мижознинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳужжат бериш билан расмийлаштирилганда;

➤ товарлар текинга оммавий тарқатилганда;

➤ ҳар қандай транспорт воситаси орқали йўловчиларни ташишда йўл чипталари (шу жумладан, электрон) расмийлаштирилганда;

➤ кўрсатилган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун банк орқали бухгалтерия ҳисобини юритишда асос бўлиб хизмат қилувчи бирламчи

ҳужжатлар қўллаган ҳолда тўловлар амалга оширилганда (*Низом, 3, 59-б.*).

Товарлар экспорти бўйича БЮД расмийлаштирилган ҳолатлар бундан мустасно. Товарлар (хизматлар) экспорти (БЮД расмийлаштирилмайдиган ҳолатлар) бўйича етказиб берувчи электрон ҳисобварақ-фактурани ўзи шакллантиради. Бунда сотиб олувчининг фақат номи қайд этилади ҳамда «норезидент» сўзи қўшиб ёзилади (*Низом, 60-б.*).

Бир томонлама ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда қуйидагиларни ёдда тутинг:

➤ сотиб олувчининг талабига асосан тақдим этилган ЭҲФлар қиймати (корпоратив пластик карта ёрдамида сотиб олинган товарлар ва хизматлар бўйича) умумлаштирилган ҳолда бир томонлама шакллантириладиган электрон ҳисобварақ-фактуранинг қийматига киритилмайди;

➤ умумлаштирилган ҳолдаги бир томонлама электрон ҳисобварақ-фактура товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойдан кейинги ойнинг 5 кунига қадар, календарь ойнинг охириги куниди сана билан шакллантирилади.

Техник нуқтаи назардан бир томонлама ҳисобварақ-фактурани шакллантириш жараёни одатдаги ҳисобварақ-фактурани яратишдан мураккаб эмас. Шаклни тўлдириш чоғида ЭҲФ тизимида «бир томонлама ҳужжат» вариантини танлаш зарур. Тегишли тугманинг жойлашган жойини сизнинг ЭҲФ операторингиз call-марказида сизга айтиб беришади.

Олег Гаевой тайёрлади.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-3-бетлар**
- **СОЛИҚ СОЛИШ** – Қоғоз шаклдаги қайси ҳисобварақ-фактураларни электрон форматга ўтказиш зарур **1-2-бетлар**
- **ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР** – Фақат нафақанинг бир турини олиш мумкин

- Футбол мактабини қандай очиш мумкин
- Ижарага олувчи юридик шахс бўлганда **4-5-бетлар**

- **КАДРЛАР БЎЛИМИ** – Ходим учун синов муддатини узайтириш мумкинми
- ФХШ ўрнига – ички ўриндошлик
- Тиббий хулоса бўйича ишдан бўшатилди
- Корхонада ички меҳнат тартиби да-

- лари бўлмаслиги қандай оқибатларга олиб келади **5-6-бетлар**

- **НОРМАТИВ ЛОЙИҲА** – Меҳнат кодекси лойиҳаси: меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш ва тўқатиш қоидалари **7-бет**

- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ** – Жанжалкашлик учун уйдан рўйхатдан чиқариб юбориш
- Квартирадан рўйхатдан чиқариш – суд орқали **8-бет**
- Мулкдор ҳуқуқи
- **ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ** – Кузги-қишки мавсум бехатар ўтсин! **8-бет**

Истиқболли тадбиркорларга – таълим ва микрокредитлар

Президентнинг 13.10.2020 йилдаги ПҚ-4862-сон қарори билан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

2020 йил 15 ноябрдан бошлаб ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг куйидаги тартиби ўрнатилди:

а) Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70%, бироқ ҳар битирувчига 1 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан компенсация қилинади;

б) касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ажратилади. Микрокредитлар «Микрокредитбанк» АТБ томонидан 3 йил муддатга 6 ойгача имтиёзли давр билан МБнинг асосий ставкасида ажратилади;

в) тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва Хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 млн сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

г) микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафилиги, сугурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафилиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 млн сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ушбу мақсадлар учун «Микрокредитбанк»ка қўшимча 90 млн доллар маблағ ажратилади. Жорий йил охирига қадар аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилади. 2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида микроолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқлари ташкил этилади. Шунингдек «Микрокредитбанк» томонидан Микроолиялаш миллий тизимини яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, унинг ўзи операторлик вазифасини бажаради.

2022 йил 1 июлдан бошлаб «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар келажагимиз» ва бошқа оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ томонидан тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Агентлик) аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмини мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офислари очилади. Агентлик Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан биргаликда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантиради, 2022 йилдан Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизими ишга туширилади.

2 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар микроолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда ННТга ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш назарда тутилган, ушбу маблағлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат

жамғармасига (Жамғарма) келиб тушади. Тажриба тариқасида, улардан куйидаги тартибда фойдаланилади:

а) ННТларнинг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микроолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Жамғарма ҳисобидан танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4% ставкада қарз маблағлари ажратилади;

б) танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари Агентлик томонидан Нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва мустақил экспертлар иштирокида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда ННТлар билан ижтимоий шериклик тўғрисидаги шартномалар тузилади;

в) ННТларга ажратиладиган қарз маблағларининг бир қисми микрокредит ташкилотларига берилади, улар томонидан, ўз навбатида, қарз маблағлари ҳисобидан микроқарзларни кенг аҳоли қатламларига, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга куйидаги шартларда ажратилади:

г) қарз олувчи ННТларнинг молиявий савдоҳонликни ошириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган дастурлари талабларига мос келиши лозим;

д) тадбиркорлик ва даромад олишга қаратилган мақсадлар учун бир қарз олувчига 25 млн сўмдан ошмаган миқдорда қарз ажратилади;

е) микрокредит ташкилотлари қарз олувчи томонидан шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартисиз, шу жумладан бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳ кафилиги асосида микроолиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли.

2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олиннадиган давлат божи маблағларининг 20%и Савдо-саноат палатасига йўналтирилади;

б) давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган қисми 3%дан 5%гача – Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига йўналтириладиган қисмини камайтириш ҳисобидан оширилади.

Олег Заманов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Энергия самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳалар янги жамғарма томонидан молиялаштирилади

Вазирлар Маҳкамаси 9.10.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 640-сон қарорни қабул қилди.

Ҳужжат Президентнинг «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон қарорига мувофиқ қабул қилинган.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси (*кейинги ўринларда – Жамғарма*) тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомда Жамғарманинг вазифалари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек Жамғармани бошқариш тартиби назарда тутилган.

Президентнинг 10.07.2020 йилдаги ПҚ-4779-сон қарорига мувофиқ Жамғарма маблағлари:

г) бинолар ва кўп квартиралар уйларида энергия самарадор технологиялар ва тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, шу жумладан, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланшини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек энергия аудитини ўтказиш;

д) энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш

йўналишида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари ташкил этиш (бино ва иншоотларни қуришдан ташқари) ва семинарлар ўтказиш;

е) қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле ҳимояси учун микропроцессор блоклари, частотали ўзгартригичлар ва бир текис ишга тушириш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лоийҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этиш;

ж) Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини таъминлаш, унинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни моддий рағбатлантириш;

з) Президентнинг «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон қарорининг 6-бандида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш;

и) ҳўжалик юритувчи субъектларда энергия аудити ўтказиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини



ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

к) шаҳар транспортининг ёқилги-энергетика самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, энергия харажатларини камайтириш учун транспорт оқимларини ахборот ва имитацион моделлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича инновацион тадбирларни ўтказиш учун йўналтирилади.

Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига, банк ҳисобварақларига, давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрига эга.

Жамғарманинг асосий мақсади – иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ҳамда аҳоли хонадонларида энергия самарадорлиги лойиҳаларини амалга оширишга инвестицияларни жалб қилиш ва молиялаштириш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 10.10.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Бухорий.



Фақат нафақанинг бир турини олиш мумкин

Биргаликда турмуш кечираётган эр-хотинларнинг 14 ёшгача бўлган урта боласи бор, улардан бири 8 ойлик. Ариза берилган ойдан олдинги 3 ой учун оиланинг даромади 2 811 000 сўмни ташкил қилди.

Урта боласи бўлган оила бир вақтнинг ўзида 2 ёшгача болани парваришlash ва 14 ёшгача бўлган болалари учун нафақа, шунингдек моддий ёрдам олишга ҳақлими?

– Фақат нафақанинг бир турини олишга рухсат берилади.

Қонун ҳужжатларида қуйидаги нафақаларни тайинлаш назарда тутилган:

➢ 14 ёшгача урта ва ундан кўп болалари бўлган оилаларга нафақа – 304 000 сўм;

➢ 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash нафақаси – 434 000 сўм;

➢ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам – 326 000 сўмдан 653 000 сўмгача (Миқдорлар, 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорга 2-илова; Низомнинг 1-б., ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова).

Кўрсатиб ўтилган тўловлар ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган МХЭКМнинг 52,7%идан (бу 358 007 сўмга тенг) ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади. Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (комиссия) томонидан қабул қилинади. Тўловлар Халқ банки филиаллари томонидан амалга оширилади (Низомнинг 4, 8, 40-б.).

Ариза берилган ойдан олдинги 3 ой учун Ҳар бир оила аъзосининг ўртача ойлик жами даромади ҳисоблаб чиқарилади (Низомнинг 18-б.). Шу тариқа, саволда кўрсатилган 2 811 000 сўм миқдоридagi сумма 3 ойнинг ҳар бири учун жами ўртача ойлик даромад ҳисобланса, оилада беш киши бўлганда уларнинг ҳар бирининг жами даромади 562 200 сўмни ташкил этади. Ушбу миқдор нафақа ёки моддий ёрдам олиш ҳуқуқини бермайди.

Саволда кўрсатилган сумма 3 ой учун умумий даромад бўлса, оилада беш киши бўлганда ҳар бирининг жами даромади 187 400 сўмни ташкил қилади ва бу нафақа ёки моддий ёрдам олиш ҳуқуқини беради.

Нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқи назарда тутилган (Низомнинг 6-б.). Яъни сизга 14 ёшгача болалари бўлган оилага бериладиган нафақага ёки 2 ёшгача болани парваришlash нафақаси ёхуд моддий ёрдам берилади.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса – 12 ойга тайинланади. Келгусида нафақа олувчи шахс аввалги 12 ойлик муддат тугашидан бир ой олдин, болани парваришlash нафақаси тўланиши давом эттирилиши учун маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат этиш ҳуқуқига эга (Низомнинг 3-б. 2-хат-бошиси, 11-б.).

Таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси муносабати билан ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам жорий қилинди. Сентябрь ойида қуйидагиларга моддий ёрдам кўрсатилди:

➢ 16 ёшга тўлмаган, моддий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганлар рўйхатига («темир дафтар»га) киритилган болаларга;

➢ 16 ёшга тўлмаган, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини оладиган оилалардаги болаларга;

➢ ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга.

Бир марта тўланадиган моддий ёрдам миқдори ҳар бир бола учун 500 000 сўмни ташкил этади (26.08.2020 йилдаги ПҚ-4815-сон қарор 1, 2-б.).

Футбол мактабини қандай очиш мумкин

Футбол мактаби очишда рухсат берувчи қандай тартиб-таомиллардан ўтиш лозим? Унга қандай ҳуқуқлар берилади?

– Футбол мактаби – бу юридик шахс шаклида ташкил этиладиган жисмоний тарбия-спорт ташкилоти бўлиб, асосий фаолият тури жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритишдан иборат бўлади («Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг 16-м. 1-қ.). Ташкил этишдан мақсад айнан фойда олиш ёхуд бундай мақсад қўйилмаганда хусусий футбол мактаби тижорат ёки нотижорат ташкилоти бўлиши мумкин. Тижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари марказида амалга оширилади (Низомнинг 2-б., ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова). Нотижорат ташкилотлари учун Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган (Низомнинг 4-б., ВМнинг 10.03.2014 йилдаги 57-сон қарорига 1-илова).

Қонун ҳужжатларида хусусий футбол мактабларини фаолиятини тартибга солинадиган қоидалар мавжуд эмас. Бироқ 2020 йил 1 октябрда хусусий футбол мактаблари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқиш режалаштирилган эди («Йўл харитаси»нинг 1 бўлими 7-б., 4.12.2019 йилдаги ПҚ-5887-сон Фармонга 3-илова). Айтилган бундай норматив ҳужжат мавжуд эмас.


Қонун ҳужжатларида футбол санъатига ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган спорт қурилмаларига оид муайян талаблар белгиланган (АВ томонидан 6.03.2006 йилда 1550-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом). Улардан паспортга асосан фойдаланилади (Рўйхатнинг 111-б., ВМнинг 15.08.2013 йилдаги 225-сон қарорига 1-илова). Паспорт Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази томонидан Маъмурий регламентга мувофиқ берилади (ВМнинг 17.03.2020 йилдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган). Тадбиркорлик субъекти

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали паспортни расмийлаштириш бўйича хизматларни олиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида футбол мактабида ва ундаги тиббий пунктда ўрнатилиши лозим бўлган ускуналар ва инвентарнинг минимал сони белгиланади (Табелнинг II қисми 33-б., 1550-сон Низомга 5-илова). Спорт анжомларига нисбатан уларни қуриш ва фойдаланиш борасида гигиеник талаблар қўйилади (16.11.2017 йилдаги 0352-17-сон СанҚН).

Хусусий футбол мактабида тренерлик фаолиятида тренерлик аттестациядан ўтиш ва тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома олиш назарда тутилган. Аттестация 5 йилда 1 марта ўтказилади (Низомнинг 6-б., ВМнинг 19.11.2019 йилдаги 918-сон қарорига 1-илова). Бунда нодавлат ташкилотларида банд бўлган тренерлар Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази қошидаги 72 соатлик интенсив малака ошириш курсларида малака оширганларидан кейин аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан муваффақиятли ўтганларга тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома берилади (918-сон Низомнинг 8-б.).

Футбол мактаби жисмоний тарбия-спорт ташкилоти сифатида спорт мусобақалари, ўқув-тренировка тадбирларида иштирок этишга, халқаро спорт ташкилотларига аъзо бўлишга ҳақлидир (Қонуннинг 16-м. 3, 4-қ.).



Реклама

НОРМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Ижарага олувчи юридик шахс бўлганда

Фирма жисмоний шахсдан бинони ижарага олади. Шартномада қайд этилишича, фирма электр энергия харажатларини қоплайди. Қопланадиган сумма ижарага берувчининг пластик карточасига ўтказилади. Бироқ ижарага олинганда бошланишига фирма электр энергияси учун тўловни электр тармоғига тўлаган. Бино кадастри ижарага берувчи жисмоний шахс номига расмийлаштирилганлиги сабабли электр тармоғи ва ижарага олувчи фирма ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузишнинг имкони бўлмаса, электр энергияси учун ўтказилган тўловлар қандай расмийлаштирилади?

– Электр тармоғи электр таъминоти учун шартнома тузиши ва нафақат бино мулкдорига, балки ижарага олувчи юридик шахсга ҳам шахсий ҳисобрақам очиб бериши мумкин (Қоидаларнинг 93-банди, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова).

Электр тармоғи бино ижарага берилишидан қатъи назар, бино мулкдори билан ҳисоб-китобни амалга оширади, ижарага олувчи юридик шахс бўлган ҳолатлар бундан мустасно (Қоидаларнинг 95-банди).

Бундан ташқари, ижарага олувчи юридик шахслар бино мулкдори билан шартнома тузганидан кейин ижарага олинган бинода электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 3 кун муддатда электр тармоғига мурожаат қилишлари шарт (Қоидаларнинг 100-б.). Бундай мурожаат қилинмаган тақдирда бу ҳуқуқбузарлик деб баҳоланади.

Шу тариқа, сиз электр тармоғига шартнома тузиш ва бевосита етказиб берувчига электр энергияси ҳақини тўлаш учун мурожаат қилишингиз лозим.

Амалга оширилган тўловлар бўйича жисмоний шахс билан тузилган шартномага қўшимча битим тузишингиз керак, унда муайян давр учун электр энергиясига тўловлар бевосита етказиб берувчига тўланганини қайд этиш лозим.

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ихтиёрий асосда

Корхона ҳар йили ИИБ қошидаги маҳаллий қўриқлаш бўлими билан банкдан олинган пул маблағларини корхона кассасига олиб келишда кассирни кузатиб боришга шартнома тузади.

Корхона ИИБ билан бундай шартнома тузиши шартми?


– Пул маблағларини кузатиб боришга шартнома корхонанинг ихтиёрига кўра тузилади.

Аввало таъкидлаш жоизки, ИИБ қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Миллий гвардияга ўтказилган (ВМнинг 3.07.2019 йилдаги 555-сон қарори 1-б. 2-хатбоиши). Юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлаш (бунга пул маблағлари ҳам қиради) Миллий гвардиянинг қўриқлаш хизмати томонидан амалга оширилади (ВМнинг 255-сон қарори 2-б. 2-хатбоиши). Юридик шахслар ўз мол-мулкни қўриқлаш мақсадида ихтиёрий асосда Миллий гвардиянинг қўриқлаш хизматига мурожаат қилади (Низомнинг 20-б., ВМнинг 555-сон қарорига 1-илова).

Нарғиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

КАДРЛАР БЎЛИМИ

Ходим учун синов муддатини узайтириш мумкинми



Ходим билан 1 ойлик дастлабки синов муддати белгиланган ҳолда меҳнат шартномаси тузилган. Муддат тугашига 2 кун қолганда раҳбар янги ходим ишга қабул қилинган пайтдан буён «ўзини кўрсата олмаганлиги» сабабли синов муддатини яна 2 ҳафтага узайтирмоқчи.

Иш берувчи келишилган синов муддатини узайтиришга ҳақлими?

Саволга buxgalter.uz илтимосига кўра «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова жавоб берди.

– Меҳнат шартномасига дастлабки синов ҳақидаги шартларни киритиш иш берувчининг ҳуқуқи ҳисобланади. Меҳнат шартномасида синов муддати ҳақида қайд этиш куйидагиларга имконият яратади:

1) ходим топширилган ишга қандай уддалаётганини текшириш ва қандай натижаларга эришини кўриш;

2) натижалар қониқарсиз бўлганда ходимни соддалаштирилган тартибда, синов муддати тугашидан 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, ишдан бўшатиш мумкин бўлади (МК 87-м. 1-б.).

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади (МК 87-м. 4-қ.).

Ходим ҳам МКнинг 87-моддаси 1-қисмига кўра иш берувчини синов муддати тугашидан 3 кун олдин ёзма шаклда огоҳлантирган ҳолда, меҳнат шартномасини тўхтатишга ҳақли эканини инobatта олинг. Дарвоқе у сабабларни тушунтирмасдан, иш берувчи эса фақат синов натижалари қониқарсиз бўлгандагина меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

Меҳнат шартномасида дастлабки синов белгиланмаган бўлса, ходим бундай шартсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади (МК 82-м.).

Дастлабки синов муддатини ҳатто ходимнинг розилиги билан ҳам 3 ойдан ортиқ белгилаш мумкин эмас. Бундай шарт қонун ҳужжатларига таққосланганда унинг ҳолатини яхшиламайди ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (МК 5-м.).

Дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас (МК 85-м. 1-қ.). Муддат аниқ 3 ой давом

этиши меҳнат шартномасида қайд этилади. Синов муддатининг минимал давомийлиги қонунда белгиланмаган.

Синов муддати фақат муайян ҳолатларда узайтирилади.

Ҳақ шундаки, синов муддатига ходимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, шунингдек ходимнинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган вақтлари киритилмайди. Масалан, суд, терговга расман олиб кетилганда, тиббий кўриқдан ўтишда, малака оширишда бўлган даврлари ва ҳ.к. (МК 85-м. 2-қ., 165, 166-м.).

Орада келинмай қолган вақтларни албатта қайд этиб қўйинг: ходимдан касаллик варақасини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақирув қоғозини, тиббий кўриқдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотномани топширишни талаб қилинг. Ҳужжатларнинг нусхасини шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйинг. Тасдиқловчи ҳужжатлардаги кунлар сонига қараб буйруқ билан дастлабки синов муддатини узайтиринг ва ходимни имзо чектириб таништиринг.

Ходимнинг топширилган вазифага мувофиқлигини текширишни давом эттириш учун раҳбарнинг ташаббуси билан синов муддати узайтирилиши бошқа масала. Дастлабки синов айнан ишга қабул қилишда белгиланади. Бу шарт меҳнат шартномасида қайд этилган бўлишига қарамай, вақтинчалик тўсга эгадир, яъни фақат белгиланган муддат давомидида амал қилади. Уни кейинчалик (масалан, бошқа ишга ўтказишда) қўллашга йўл қўйилмайди. Синов муддатини узайтириш моҳиятига кўра ишлаётган шахсга синов белгиланишини билдиради, бу қонун зиддир. Шу боис бир сўз билан айтганда, **иш берувчининг ташаббуси билан синов муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.**

Синов муддати асосланмаган ҳолда узайтирилиши маъмурий жарима солинишига сабаб бўлади (МЖТКнинг 49-м.).



Куйидагиларга синов муддати белгиланмайди:

- > Ҳомилдор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар;
- > корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар;
- > ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юрталарининг тевгишли таълим муассасасини تامомлаган кундан эътиборан 3 йил ичда биринчи бор ишга қираётган битирувчилари;
- > 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинган ходимлар (МК 84-м.).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

ФХШ ўрнига – ички ўриндошлик

Компания ўз ходими – техник кўмак муҳандисини ФХШ билан сотувлар бўйича хизматларни кўрсатишга ишга қабул қилмоқчи. Ташкилотда асосий ходим ФХШ бўйича ишлаши ҳам мумкинми?



– Ҳа, мумкин. Қонун ҳужжатларида бу борада чекловлар назарда тутилмаган.

Саволда кўрсатилганидек ФХШ бўйича хизматлар кўрсатиш меҳнат фаолияти жумласига киритилмаслигига эътиборни қаратамиз.

Раҳбар ходимнинг бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларини бажара олиши ва сотувлар бўйича хизматлар кўрсата олиши имкониятини баҳолаши лозим.

Ташкилот штатида сотувлар бўйича менежер ёки савдо агенти сингари бўш лавозимлар мавжуд бўлса, сиз эса бундай вазифаларни бажариш учун ФХШни расмийлаштирсангиз корхонани комплекс текшириш чоғида бундай ҳуқуқий муносабатлар меҳнат муносабатлари деб эътироф этилиши хатари мавжуд бўлади (МК 82-м. 6-қ.). Шу боис бундай ҳолатларда қуйидагилар тавсия этилади:

1) ходим билан асосий ишдан бўш вақтида ишлаши учун ички ўриндошлик бўйича меҳнат шартномасини тузиш керак;

2) ходимнинг зиммасига ўзининг асосий мажбуриятларини бажариш билан бир вақтда қўшимча мажбуриятларни бажаришни юклаш керак (ички ўриндошлик), бунда иш ҳақиға қўшимча тўловлар назарда тутилиши лозим (МК 160-м.; ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Тиббий хулоса бўйича ишдан бўшатилади

Ходима уйда бўлганида оёғи синиб қолди. Уч ой касаллик варақаси бўйича уйда бўлди. Ҳозир унга 1 йилга II гуруҳ ногиронлиги белгиланганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этди, у ногиронлик бўйича пенсияни расмийлаштираётган экан. У иши дазвол машинаси олдида кун давомида тик оёқда туришдан иборат эканлиги сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмайди. Корхона ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли имтиёзли иш шароитларини тақдим эта олмайди.

Корхона бундай ходимани ишдан бўшатиши мумкинми ёки ногиронлик даврида унинг иш ўрнини сақлаб туриши шартми?

– Тиббий хулосага кўра ходимнинг аввалги иш жойида ишлаши соғлиғига тўғри келмаса, иш берувчи меҳнат шартномасини тўхтатиши шарт (МК 100-м. 2-қ. 2-б.). Ногиронлик даврида унинг иш жойини сақлаб туриш ҳолати амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Ходимнинг соғлиғи туфайли эгалаган лавозимига номувофиқлиги тегини тиббий хулоса билан тасдиқланиши лозим. Бунда тиббий хулоса билан тасдиқланган ходимнинг соғлиғи ҳолати ўз-ўзидан ёмонлашиши, шу жумладан унга ногиронликни белгилаш, агар ходим ўз вазифаларини бажаришни уйдалаётган бўлса, меҳнат

шартномасини бекор қилиш учун сабаб бўла олмайди.

Ходимнинг соғлиғи туфайли эгалаган лавозимига номувофиқлиги сабабли, ходим бажарадиган ишини уйдалай олиши ёки уйдалай олмаслигидан қатъи назар, тиббий хулосага кўра бу ишни бажариш унинг соғлиғига тўғри келмаса ёки меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат кўрсатадиган фуқаролар учун хавф туғдирадиган бўлса меҳнат шартномаси бекор қилиниши лозим.

Ходим ногиронлик бўйича пенсияни белгиланган ногиронлик даврида ишлаётган ёки ишламаётганлигидан қатъи назар, расмийлаштиришга ҳақлидир.

Корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари мавжуд эмаслиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Бунинг учун юридик шахс жазога тортилиши мумкинми? Амалдаги қоидаларни ҳақиқий деб ҳисобланмаслигига нималар сабаб бўлади? buxgalter.uz илтимосига кўра саволларга «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқлари бўйича эксперти Пенара Хикматова жавоб берди.


Корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари бўлмаслиги қандай оқибатларга олиб келади

Ички меҳнат тартиби қоидалари – локал (ички) норматив ҳужжат бўлиб, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, корхонадаги меҳнат тартиби, рағбатлантириш ва ундирув чоралари қўлланилиши тартибини белгилайди, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотларда меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир бошқа масалаларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

Қоидалар мажбурий тартибдаги локал ҳужжатлар жумласига киритилади (МК 174-м.), улар текширув чоғида меҳнат инспекцияси томонидан сўраладиган ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

дига кўра бекор қилиниши ноқонуний ҳисобланади. Айрим тоифадаги ходимлар бундан истисно этилади, уларнинг ушбу асос бўйича ишдан бўшатилиши бошқа ҳужжатларни қўллаган ҳолда амалга оширилади: интизом тўғрисидаги қоидалар ва низомлар (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда), корхона мулкдори ва корхона раҳбари ўртасидаги меҳнат шартномаси.

МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-банди бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлиги қоидалар лозим даражада расмийлаштирилганлигига ҳам боғлиқ бўлади.



Дарвоқе нафақат ҳужжатнинг мавжудлиги, балки қандай расмийлаштирилганлиги, ходимлар ҳужжат билан таништирилганлиги текширилади.

Қоидаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат бор: компанияда бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса, ходимни ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун ишдан бўшатиш мумкин бўлмайди (МК 100-м. 2-қ. 4-б.). Масалан, ишга алкоголь ичимлик таъсирида маст ҳолатда келиш, ишга сабабсиз келмаслик ҳолатлари ва ҳ.к.

Бир марта содир этилганлиги сабабли ходимни ишдан бўшатиш мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар рўйхати айнан қоидаларда кўрсатилиши лозим. Ташкилот бундай рўйхатни, масалан, жамоа шартномасига киритадиган бўлса, меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-банди

Қоидаларни тасдиқлашдан олдин касба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келиши шарт (МК 174-м.). Ташкилотда вакиллик органи мавжуд бўлмаса ва қоидалар унинг розилигисиз тасдиқланган бўлса, улар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Вакиллик органи мавжуд бўлганда ва келишув тартиб-таомили бузилган ҳолатларда ҳам қоидалар юқорида қайд этилган тарзда ноқонуний ҳисобланади. Тегишинча, меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузган ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳам қоидаларни расмийлаштириш тартиби бузилганлиги сабабли ноқонуний деб эътироф этилиши мумкин. Натijasида ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилиниши ва ходим аввалги ишга тикланиши мумкин.

Эъваб

«Жавоб берамиз» инфокиосига ҳуш келибсиз


Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни port.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

✓ аввал port.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, муружаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;

✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Меҳнат кодекси лойиҳаси: меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш ва тўхтатиш қоидалари

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи аъзоси, эксперт Алексей НИЯЗМЕТОВ меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш ва тўхтатиш борасида қандай ўзгаришлар киритилишини гапириб берди.

Меҳнат шартномасини бекор қиламиз

– Тажрибали раҳбарлар ва кадрлар бўлими ходимларида талабгор сўхбатдан ўтган ва тест топшириқларини бажарган ҳамда меҳнат вазифалари ва шароитлари билан таништирилган, ҳатто меҳнат шартномасини имзолаб келишилган санадан ишга тушишга ваъда берган ҳолларда ҳам у кун келганда ишга чиқмай қолган воқеаларни эслашлари мумкин. Бундай вазиятда иш берувчи қандай йўл тутуши керак?

Нима бўлганини аниқлаш керак, балки касал бўлиб қолганда (касаллик варақаси очилган-очилмаганлиги суриштириш керак).

Боғланишга ва тушунтириш олишга уриниб кўриш лозим.

Бундай қилишнинг имкони бўлмаганда – иш жойида бўлмаганлиги тўғрисида далолатнома тузиш ва почта алоқаси орқали меҳнат шартномаси бекор қилинишидан 3 кун олдин унга огоҳлантириш юборилиши керак (бунда қоидаларни бир марта кўпол равишда бузиш ҳолати ички меҳнат тартиби қоидаларида ёки меҳнат шартномасида белгиланган бўлиши шарт).

Рўйхат мавжуд бўлмаса, яна бир кун кутиб кейин яна бир далолатномани тузиш лозим, меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлик учун ишдан бўшатиш мақсадида ишга келинмаган биринчи кун учун интимиозий жазо кўллаш тўғрисида буйруқ чиқариш лозим.

Ёки бу кунлар учун компенсация тўлаб, сўнгра меҳнат дафтарчасига яна бир ёзув киритиш, буйруқдан кўчирма қилиш, иш ҳақи тўғрисида маълумотнома бериш керак.

Ушбу шахс 2 ҳафтадан кейин касаллик варақаси билан келса, уни ишга тиклашга тўғри келади... Бу ходим ҳали бир кун ҳам ишламаган.

Шу боис меҳнат шартномасини бекор қилишнинг янги институтини жорий этиш тақозо этилмоқда.

Янги МК бўйича, агар ходим иш бошланадиган кунда ишга келмаган бўлса, бежавотир меҳнат шартномасини бекор қилишнинг мумкин. Бундай бекор қилиш юридик оқибатларни келтириб чиқармайди (истисно ҳолатлар куйида келтирилган).

Шартнома бекор қилинишини буйруқ билан расмийлаштирамиз. Ходим сўраганда ушбу буйруқнинг нухасини берамиз. Бунда меҳнат дафтарчасига ҳеч қандай ёзувлар киритилмайди ва меҳнат муносабатлари бекор қилиниши ҳақида қўшимча битим расмийлаштирилмайди. Буйруқдан ташқари, сиз фақат ходим биринчи иш кунда ишда бўлмаганлиги тўғрисида далолатнома тузишингиз тавсия қилинади.



Сиз барибир ходимга касаллик варақаси бўйича тўлов ёки давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақани тўлайсиз. Бутун давр учун – меҳнат шартномаси тузилган кундан бошлаб бекор қилинган кунгача тўлов тўланади, бекор қилинган кун ҳам қўшиб ҳисобланади. Бунда юқорида кўрсатилган қозғобозликлар бўлмайди ва шахсни ишга олишга тўғри келмайди. Тўлов учун асос – касаллик варақаси ва директор фармойиши. Хотиржам бўлиш учун алоҳида буйруқ чиқаринг.

Ходимни бошқа ишга ўтказамиз

Янги таҳрирдаги МК лойиҳасида бошқа ишга ўтказиш тартиби батафсил келтирилади ва айрим процессуал жиҳатлар очик-ойдин кўрсатилган.

Хусусан, бошқа ишга ўтказишда ходим янги ишнинг моҳияти, меҳнат шароити ва уни бажариш билан боғлиқ ҳужжатлар билан таништирилиши лозим. Буни имзо чектирган ҳолда (шундай қилган маъқул) ҳамда бошқа ишга ўтказишга розилигини олишдан олдин (мажбурий тартибда) амалга оширинг.



Ишлаб чиқаришдаги зарурат ёки туриб қолиш тўғрисида ходимни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш календарь йил давомида 60 кундан (жамланганда) ошмаслиги лозим. Акс ҳолда у доимий ҳисобланади. Дарвоқе ходимнинг розилигисиз (юзгага келадиган оқибатлари билан).

Ходимни бошқа иш берувчига хизмат сафарига юборамиз

Бу ҳам янги норма. Амалиётда, масалан, созлаш ишга тушириш ёки қурилиш ишларида пудратчи ходимнинг мунтазам ишда бўлиши (буюртмачининг ходимларини ўқитиш, техник қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун) талаб этилади. Бунда анча узоқ муддатлар – 1 йил ёки ундан ортиқ вақт ҳақида сўз боради.

Ушбу даврда мутахассислар ўз иш берувчилари учун эмас, балки бошқа ташкилотга ишлайдилар. Бироқ улар фақат муайян муддатгагина ишга олинади. Бундай ҳолларда амалдаги тартиб нима қилишни тақозо этади?

Пудрат ташкилоти раҳбарияти – тарафларнинг келишувига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиши ва барча тегишли тартиб-таомилларни амалга ошириши, келишилган муддат тугаганидан кейин ходимни қайтадан ишга олиши лозим.

Ходим – ишга қабул қилиш учун ҳужжатларни янги иш берувчига тақдим этиши ва у билан муддатли меҳнат шартномасини тузиши, ушбу меҳнат шартномаси муддати тугаганидан кейин аввалги иш берувчига қайтадан ишга олишини сўраб мурожаат қилиши керак.

Буюртмачи ташкилот раҳбари – ходимни ишга қабул қилиши, у билан муддатли меҳнат шартномасини тузиши, меҳнат дафтарчасига ёзувларни киритиши лозим. Келишилган муддат тугаганидан кейин меҳнат шартномасини бекор қилинади.

Мазкур занжирда узилиш бўлганда нима қилиш керак? Масалан, ишлаб чиқарувчи-буюртмачи мутахассисни ишга қабул қилиши рад этганда. Бу мураккаб таомил бўлиб, барча тарафлар учун хатарлар юзга келиши мумкин.

Хизмат сафарига юбориш институти ушбу масалани осон ва оддийгина ҳал эта олади. Ходим ишдан бўшатилмайди, балки меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатиб турилади (меҳнат шартлари ўзгартирилади).

Ходимни унинг розилиги билан (ёзма шаклдаги) хизмат сафарига юборилади. Максимал муддат 2 йилдан ошмаслиги керак (1 йил – мажбурий борилади + 1 йил – тарафларнинг розилиги бўйича). Янги иш берувчи алоҳида муддатли меҳнат шартномасини тузади.

Ходимни хизмат сафари тугаганидан кейин аввалги иш жойига ишга қўйилади. Тўхтатилган шартноманинг амал қилиши автоматик тарзда тикланади, лекин буйруқ чиқарган маъқулроқ.

Процессуал жиҳатларни (хизмат сафарига юбориш, муддатни узайтириш, ходимни ишга қайтариш ва ҳ.к.) асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномасига қўшимча битим билан мустаҳкамлашни ва буйруқ чиқаришни тавсия этамиз.

Шу тариқа, ҳатто ушбу занжирда узилиш юз берганда ҳам, ходим кафолатга эга бўлади, иш берувчида эса расмийлаштириш жараёни сезиларли даражада қисқаради.

Ишдан четлаштирамиз

Ишдан четлаштириш институти амалдаги МКда ҳам келтирилган. Бироқ янги таҳрирдаги МКда ушбу масалага катта эътибор қаратилмоқда.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасида таклиф этилаётган бошқа ўзгартиришларни кейинги материалларимизда шарҳлаб борамиз.

Манба: buxgalter.uz.

Масалан, ходим ишдан четлаштирилганда унинг ўртча иш ҳақи сақланиб қоладиган ҳолатлар белгиланган:

- > ходим меҳнат муҳофазаси соҳаси бўйича таълим олмаган ҳамда унинг ушбу соҳадаги билим ва кўникмалари текширувдан ўтказилмаган бўлса ёки ўзининг айби билан бўлмаса-да мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган бўлса;

- > ходимни унга нисбатан хизмат суриштируви ўтказилаётганлиги сабабли ишдан четлатилганда.

Ишдан четлаштиришни буйруқ билан расмийлаштиринг. Унда қуйидагиларни кўрсатинг:

- > ишдан четлаштириш сабабларини;
- > ишдан четлаштириш муддатини;
- > ходимнинг иш ҳақи сақланиш-сақланмаслигини.

Ходимни имзо чектириб буйруқ билан таништиринг. У имзоланиш рад этганда, иккита гувоҳ ҳозирлигида далолатнома тузинг. Ходимни объектив сабабларга кўра буйруқ билан таништиришнинг имкони бўлмаганда, буйруқ нухасини буюртма хат билан почта орқали юборинг. Сизда буйруқ чиққан пайдан бошлаб 3 кун муддат бўлади.

Ходимнинг илтимосига кўра буйруқнинг тасдиқланган нухасини беринг. Муддат аввалгидек – мурожаат қилинган пайдан эътиборан 3 кун.



Ишдан четлаштириш муддати тугаганидан кейинги биринчи иш куниданоқ ходим ишга киришиши лозим.

Меҳнат шартномасини тўхтатамиз

Меҳнат шартномасини тўхтатишга оид кўп ўзгартиришлар киритилган. Асосийларини қисқача айтиб ўтсамиз:

1 Меҳнат шартномасини тўхтатиш учун асос қўпади ва регламентация, шу жумладан процессуал тартибга солиш батафсил берилади (масалан, ходим иш берувчи билан бирга бошқа жойга кўчиши рад этади ёки давлат сирига рухсат бериш, агар бажариладиган иш шуни тақозо этадиган бўлса, тўхтатилади).

2 Меҳнат шартномасида назарда тутилган асослар бўйича меҳнат шартномасини тўхтатиш мумкин бўлган ходимлар тоифаси рўйхати (микрофирмалар ходимлари ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар, касаначилар ва бошқалар) кенгайтирилади.

3 Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини тўхтатиш тўғрисида хабар беришда турли муддатлар белгиланади (масалан, ташкилот раҳбарлари ўз мўлжали ҳақида 2 ой олдин огоҳлантирилади).

4 «Ҳисоб-китоб» тушунчаси аниқлаштирилади. Унга қуйидагилар киритилади: олинмай қолган иш ҳақи, фойдаланилмаган барча асосий ва қўшимча таътиллар учун компенсация, қонун ҳужжатларида, локал ҳужжатларда, меҳнат шартномасида ва бошқа ҳужжатларда белгиланган тўловлар (ишдан бўшатишда тўланадиган нафақалар, мукофотлар, компенсация ва ҳ.к.).

5 Айрим ҳолларда ҳисоб-китоб қилиш муддатлари аниқлаштирилади. Ходим ишдан бўшатилган кунда ишламаган бўлса, талабнома тақдим этилган кундан эътиборан 3 кундан кечиктирмай (илгари – талаб қилинган кунда) у билан ҳисоб-китоб қилиш лозим.

Жанжалкашлик учун уйдан рўйхатдан чиқариб юбориш

Онам вафотидан кейин акам иккаламизга кватирга мерос қолди. Акам онам вафотидан бир йил ўтиб оила курди ҳамда турмуш ўртоғи ва қизалоғини ўзига тегишли турар жойга прописка қилдирди. Мен кватирани сотиб, акам оиласини боқиши учун унга машина олиб бердим, ўзим эса акамнинг кватирасига пропискага ўтдим. Бироз вақт ўтгач акамнинг турмуш ўртоғи жанжал чиқарадиган бўлди.

Мунтазам жанжаллар учун акам ва унинг оиласини суд тартибда кватирадан рўйхатдан чиқариб юборишим мумкинми?

– Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собик оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшайдиган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Уй ёки квартиранинг мулкдори, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собик оила аъзоси ўртасидаги турар жойдан фойдаланиш ҳамда қилинган харажатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд тартибда ҳал этилади (УЖК 32-м. 1, 8-қ.; ОСПнинг 14.06.2001 йилдаги 22-сон қарори).

Кватирадан рўйхатдан чиқариш – суд орқали

Навоий шаҳрида яшайман. Уйимга қариндошимни рўйхатга олганман. У қамоқда жазони ўташ вақтида вафот этди.

У билан яқин қариндош бўлмаганим учун ўлим ҳақидаги маълумотномани менга беришмаяпти. Паспорт столи ҳамда рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш масалалари билан шуғулланадиган бошқа органлар уни ўлим ҳақидаги маълумотномасиз рўйхатдан чиқаришмаяпти.

Бундай вазиятда қандай йўл тутуш керак? Уни қандай рўйхатдан чиқарсам бўлади?

– Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни рўйхатдан чиқариш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Вафот этганлар ўлим қайд этилганидан кейин рўйхатдан чиқарилиши лозим. Ўлим ҳақидаги гувоҳнома шакли Адлия вазирлиги томонидан белгиланади



(Низомнинг 11, 12-б., ВМнинг 22.10.2018 йилдаги 845-сон қарорига 1-илова).

Қариндошингиз озодликдан маҳрум қилиш жойида вафот этганлиги сабабли турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлиги ва уни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишингиз лозим.

Мулкдор ҳуқуқи

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимларининг айтишича, фақат яқин қариндошларни рўйхатга олиш мумкин экан, бунда бир кишига 14 кв.м ҳисобидан келиб чиқилади.

Қандай асосга кўра ва неча кишини хусусийлаштирилган кватирамга рўйхатга олишим мумкин?

– Хусусийлаштирилган кватирга, уй (уйнинг бир қисми) мулкдори ўз оила аъзоларини ва хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланган бошқа шахсларни (Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, Ўзбекистон ҳудудидо доимий яшайдиган (прописка қилинган) бошқа давлатлар фуқароларини, фуқаро-



лиги бўлмаган шахсларни турар жой майдони ўлчамидан қатъи назар, пропискадан ўтказиш ҳуқуқига эгадир («Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-м. 1-б, 14-м.; 845-сон Низомнинг 6-банди).

Шу тариқа, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари бошқа шахсларни рўйхатга олишингизни рад этишга ҳақли эмас.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

Кузги-қишки мавсум бехатар ўтсин!

Халқимизда «Фалокат оёқ остида» деган гап бор. Дарҳақиқат шундай. Мана, куз фасли ўртасида турибмиз. Ҳазоррезги мавсумда иситиш мосламалари ишга туширилади, электр ва газ асбобларидан кўпроқ фойдаланила бошлангани сабабли бу паллада ёнгин чиқиш хавфи ҳам бирмунча ортади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жойлардаги бўлинмалари ходимлари жойларда карантин қоидаларига риоя этган ҳолда ҳудудларда янги қурилатган кўп қаватли аҳоли турар жойлари ва маъмурий биноларнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича ҳолатини текширувдан ўтказиб бормоқдалар. Бино ва иншоотларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, аввало, уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Хавфсизлик талабларига риоя этилган жойларда кейинчалик ёнгин содир бўлиш эҳтимоллари камаяди.

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси аҳоли орасида тушунтириш ва профилактика ишларини пухта олиб боргани сабабли ёнгин ҳолатлари ўтган йилдагига нисбатан анча камайган. Буни қуйида келтирилган пойтахтимизда 2019 ва 2020 йилларнинг 9 ойида содир бўлган ёнгин ҳолатлари бўйича статистик маълумотлардан ҳам кўрсатилган бўлади.

Йиллар	Ёнгинлар сони	Ҳалок бўлганлар сони	Жароҳатланганлар сони	Моддий зарар, сўм
2019	1 051	15	28	3,177 млрд
2020	822	6	23	11,319 млрд

Қўллаб ёнгинлар хонадонларда хавфсизлик техникасига амал қилинмаганлиги оқибатида юз беришини таъкидлаш керак. Масалан, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг республика доирасидаги статистикасига кўра, 2019 йилнинг саккиз ойи



давомида мамлакатимизда жами 7 439 та ёнгин қайд этилиб, бу ёнгинларда 76 нафар инсон ҳалок бўлган ва 208 нафар киши тан жароҳати олган. Жами содир бўлган ёнгинларнинг 68,7 фоизи аҳоли яшаш жойларида, 12,6 фоизи тadbirkorлик субъектлари объектларида, 5,7 фоизи транспорт воситаларида ва 1,6 фоизи давлат тасарруфидоги объектларида юзага келган.

Ёнгинларнинг 37,9 фоизи очиқ оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 30,4 фоизи электр ускуналари билан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 12,2 фоизи иситиш печларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш, 9,4 фоизи болаларнинг шўхлиги ва 4,1 фоизи транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши оқибатида содир бўлган.

Ш.Мусаев,
Ўз МТРК ЁХТТЭБ мутахассиси,
оддий аскар.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёпказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўзғаткичи – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳори келишилган нарҳда.
Буортма г-1022. Адади 535. Газета 2020 йил 19 октябрь соат 16.00 да топширилди.